

ВОХСА



ҚАШҚАДАРЁДА КУЧ ТУЗИЛМАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ МЕРГАНЛИКДА БЕЛЛАШДИ

Юрт тинчлигини сақлашда камар-баста ўғлонларнинг жисмоний тайёргарлигини янада ошириш мақсадида турли хилдаги спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Байрам арафасида



Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қашқадарё вилоят Кенгаши ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳарбий хизматчилари ўртасида пневматик милтиқдан «Ўқ отиш» мусобақаси ташкил этилди.

Унда Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округи, Фавқулудда вазиятлар бошқарма-

си, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ва ҳарбий тузилмалари, Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисмлари ва бошқа ҳарбийлашган бўлинмалари, Давлат

қўшинлари кўмондонлигига қарашли ҳарбий қисмга насиб этди. Қарши халқаро аэропортларда ҳавфизликни таъминлаш ҳарбий қисм жамоаси эса 3-ўринга муносиб деб топилди.


Яккалик баҳсларида 1-ўрин Давлат хавфсизлик хизмати Чера ўшинлари ҳарбий қисм кичик сержанти Юсуфжон Позилжоновга, 2-ўрин Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисм шартнома бўйича



зирлиги Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисм кичик сержанти Аслиддин Алиевга насиб этди.

Ғолиб жамоа ва совриндорлар эсдалик совға ва диплом ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

О.ЭЛОМОНОВ,
Ватанпарвар ташкилоти Қашқадарё вилоят Кенгаши раиси



Ўзбекистон Республикаси Қуроли кучлари ташкил топганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кун билан муборакбод этади!

Юртимиз сарҳадларини мард ва жасур ўғил-қизлар қўриқлайди. Улар ҳар томонлама баркамол, жисмонан етук ва бақувват бўлмоғи керак.

Чегараларимизни кўз қорачигидек асраётган аскар ва офицерларимизни, ҳарбий хизматчиларимизни, юртимизнинг фидойи ва садоқатли ўғлонларини Қуроли Кучларимиз ташкил этилганининг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кун билан самимий муборакбод этамиз. Деҳқонобод туман газ таъминоти бўлим бошлиғи Назаров Мухаммади ва барча ишчи ходимлари уларга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилаларига бахт-саодат тилаб қоламиз.

БОЗОРЛАР – ФАРОВОНЛИК КЎЗГУСИ

Халқимизда “қайси юртининг ободонлигини билмоқчи бўлсанг бозори-ю мазорига бор” деган нақл бор. Бу ҳақда бозор – турмуш мазор маънавий белгисини билдиради, зеро мазор марҳумларнинг мангу кийим топгани бўлса бозор тирикликнинг яшаш манбаи саналади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар туфайли бозорларимиз ҳам ўзгача қиёфа касб этиб, уларда алоҳида хизмат кўрсатиш сифати тобора оширилмоқда.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда юртимизда алоҳида турмуш фаровонлигини акс эттирувчи ўзига хос ижтимоий-иқтисодий марказ ҳисобланмиш бозорлар фаолияти яхшилаш уларда нарх-навонинг асоссиз оширилишини олдини олиш сифатли маҳсулотлар билан савдо қилишни таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Жумладан Қарши шаҳар “Нақшаб дарвозаси” маъсулияти чекланган жамияти деҳқон озиқ-овқат бозори шаклидаги савдо мажмуаси раҳбари Шохзод Тошев 2018 йилдан фаоли-

ятини бошлаган. Мажмуа шаҳар аҳолисига, меҳмонларга сифатли харидни таклиф қилиб келмоқда. Қарши шаҳарга қарашли ҳудудда 100 нафардан кўп тадбиркорлик субъектлари фаолият олиб боришади. Улар аҳолининг кийим кечак, уй-рўзғор буюмлари, замонавий ва маъиший



техникага бўлган эҳтиёжини қондириб келмоқда.

Савдо мажмуамизда 153 та дўкон, 107 та раста, 4 нафар тадбиркор, 10 нафар ишчи, 3 нафар назорат ишчи 3 нафар фаррош, меҳнат қилишади “Нақшаб дарвозаси” маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги савдо мажмуаси раҳбари Шохзод Тошев ишчи ходимлари муаян тарзда бозордаги сотувчи ва харидор-

ларга қўлайликлар яратишни юксалтириш, тозалikka риоя қилишга эътибор қаратишади, шунингдек сотувчиларнинг кийиниш ва муомила маданияти радиоузелъ фаолиятининг ташкил этиши бозорлар расталарининг санитар-гигиеник ҳолати умуман ободонлаштириш

ишлари мажмуа раҳбарига амалга оширилаётган саховат ишлари сабаб маҳалладаги кам таъминланган оилаларга озиқ-овқатлар кийим кечаклар билан таъминланмоқда бозордаги олиб борилаётган ободончилик ишлари, тадбиркорлар учун яратилган шароитлар юртимиз ободонлигига хизмат қилиши шубҳасиз.

Азиза ЭРГАШЕВА

ЙЎЛ ВА ПЎЛ ПОСТЛАРИДА «ЯШИЛ» ВА «ҚИЗИЛ» ЙЎЛАК ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-

хизмати стационар постлари ва патруль-пост хизмати постларида замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий қилиш орқали ушбу масканларда инсон омилини

лумотларни масофадан узатиш ҳамда ҳаракатланишини назорат қилиш имкониятини яратувчи “RFID” (Радио частотани идентификациялаш технологияси) тизимини (“RFID” тизими) жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқулланади.

Белгиланишича: 2022 йил 1 мартдан бошлаб Тошкент вилояти Оҳангарон туманида жойлашган “Чинор” ва Наманган вилояти Поп туманида жойлашган “Наманган” йўл-патруль хизмати стационар постларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан тўлиқ жиҳозланган “Яшил” ва “Қизил” йўлак тизими жорий этилади ва босқичма-босқич республиканинг қолган йўл-патруль хизмати стационар постларида қўлланилади.



да”ги қарори лойиҳаси эълон қилинди.

Икки ишлар вазирлигининг:

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 майдаги қарорига иловада белгиланган, фаолиятини давом эттирадиган йўл-патруль

қичма-босқич жорий этиш; йўлларда транспорт оқимини ҳисоблаш, тирбандликлар олдини олиш ва қидирувда бўлган транспорт воситаларнинг ҳаракатланиш йўналишини аниқлаш, транспорт воситалари тўғрисидаги маъ-

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЗИЁРАТЧИЛАР УЧУН УМРА ТЎЛОВИ ОШИРИЛГАНИГА ИЗОҲ БЕРИЛДИ

Пандемия талаблари, Саудия Арабистонида 15 фоизлик ҚҚСнинг жорий қилиниши ҳамда нарх-наво кўтарилганлиги сабабли ўзбекистонлик умра зиёратчилари учун тўлов миқдори оширилган.

Ўзбекистон Мусулмонлари идораси 2020 йил февраль ойига қадар қилинган умра тўлови миқдорига қўшилган қиймат борасида изоҳ берди. Маълум қилинишича, пандемияга қадар тўланган умра тўлов-

«Иккинчи, табаррук заминда зиёратчи ҳар бир дақиқасини ганимат билиб, фақат тоату ибодатга сарфлаши учун Макка ва Мадина шаҳарларида Икки Харамга яқин бўлган меҳмонхоналар буюртма қилинди. Масжиди Набавийга яқин бўлган 5 юлдузли «Пулман зам-зам» ва Байтуллох атрофидаги «Жабал Умар» худудига жойлашган 5 юлдузли меҳмонхона олинди. Қиёс учун, олдинги йилларда

зиёратчиларимиз Макка шаҳрида Харам масжидидан чамаси 1, 2 км. бўлган меҳмонхонада истиқомат қилишган», — дейилади идора баёнотида.

«Маблағлар банкдаги махсус ҳисоб рақамда сақланади. Маблағлардан муборақ сафарга тегишли йўналишлардан бошқа мақсадда фойдаланишга имконият мавжуд эмас. 2020 йил февраль ойига қадар умра учун тўлов амалга оширган, пандемия сабаб бориш истагидан қайтган фуқароларнинг мурожаатига асосан тўловлари қайтариб берилди. Қолган фуқароларнинг маблаглари ўз ихтиёрларига кўра, умра ҳисоб рақамидан сақланмоқда», — дейилади Мусулмонлар идораси баёнотида.

Аввалроқ, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси 2022 йил 22 январь куни Умра мавсуми очилишини маълум қилганди.

Биринчи рейс билан пандемиядан олдин, яъни 2020 йил февраль ойи охирига қадар умра зиёрати учун тўловларни амалга ошириб, сафарга бора олмаган фуқаролар юборилиши, лекин улар охириги амалга оширган тўловларидан ташқари қўшимча равишда 4 770 000 сўм маблағ тўлаши маълум қилинган эди.

ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА 100 МЛН ЕВРО АЖРАТИЛДИ

Президент томонидан “Франция тараққиёт агентлиги иштирокида “Чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор имзоланди.



2021 йил 28 июнда Ўзбекистон ва Франция тараққиёт агентлиги (ФТА) ўртасида имзоланган битимга асосан “Чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш” лойиҳасини молиялаштириш учун 100 млн евро миқдорида қарз ажратиш назарда тутилган. Лойиҳани амалга ошириш муддати - 5 йил (2022-2026 йиллар).

Лойиҳанинг умумий қиймати 147,07 млн евро эквивалентида бўлиб, шундан: 100 млн евро - ФТАнинг қарзи; 29,96 млн евро - Лойиҳа иштирокчилари (бенефициарлар)нинг улуши; 17,1 млн евро (шу жумладан солиқ ва божхона тўловлари шаклида маблағлар) - Ўзбекистоннинг улуши.

Божхона кодексига асосан Ўзбекистон-

нинг халқаро шартномалари бўйича халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарзлар (кредитлар) ҳисобидан юридик шахслар томонидан божхона худудига олиб кириладиган товарлар божхона божидан озод қилинган.

Белгиланишича: лойиҳани амалга ошириш доирасида ФТА қарзи ҳисобидан харид қилинадиган товарларни (иш, хизматларни) ва махсус транспорт воситаларини олиб киришда (сотиб олишда) ҚҚС товарларни (иш, хизматларни) олиб кирувчилар (импорт қилувчилар, хизматларни сотиб олувчилар) томонидан тўланади; ушбу божхона бож имтиёзлари натижасида бўшаган маблағлар ҳамда товарларни олиб келувчилар томонидан тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси Ўзбекистоннинг лойиҳани амалга оширишдаги улуши деб ҳисобланади.

Қуйидагилар тасдиқланди: “Чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш” лойиҳасининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари; лойиҳа доирасида Франция тараққиёт агентлигининг қарзини сўндириш, фоиз ва комиссия тўловларини амалга оширишнинг прогноз жадвали; “Чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”.

БАЛИҚЧИЛИК КЛАСТЕРИНИНГ ХОНАДОНЛАР БИЛАН КООПЕРАЦИЯ АСОСИДА ИШЛАШ ТАЖРИБАСИ ҲАР БИР ВИЛОЯТДА ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президентнинг “Балиқчилик тармоғини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.



Жиззах вилоятида ташкил этилган балиқчилик кластерининг аҳоли хонадонлари билан кооперация асосида ишлаш тажрибаси ҳар бир вилоятда жорий этилади.

Бунда, балиқчилик хўжаликлари хонадон эгаларини балиқ етиштириш бўйича ўқитишни ташкил этади, уларга балиқ етиштириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, балиқ чавоқлари, омукта ем, минерал ўғитларни етказиб беради ҳамда улар томонидан етиштирилган балиқни келишилган нархларда сотиб олади, хо-

надон эгалари ўз хонадонларида интенсив усулда етиштирилган балиқларни келишилган нархларда уларга сотади.

2022 йил 1 февралдан фуқаролар ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ўз хонадо-нида балиқ етишти-ришни йўлга қўйиши мумкин.

2022 йил 1 февралдан 2025 йил 1 январгача балиқчиликни интенсивлаштириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва технологиялар (азэратор, бассейн, автокормушка, УЗВ) ҳамда қайта ишлаш ускуналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, бироқ даромадининг 80 фоизидан ортигини ушбу ускуналарни ишлаб чиқаришдан оладиган субъектлар учун фойда солиғи (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизлардан ташқари), юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг

мол-мулкига солинадиган солиқ ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 50 фоизга камайтирилади.

Балиқ етиштирувчи хонадон эгаларига ер солиғи ва мол-мулк солиғи ставкаси 50 фоиз миқдорида белгиланади.

2022 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жами 700 минг тонна балиқ етиштирилади.

2022 йил 15 январдан “Ҳар бир оила – тадбиркор” давлат дастури доирасида хонадонларда балиқ етиштириш учун ажратиладиган кредит БХМнинг 150 бараваридан 300 бараваригача оширилади. Интенсив усулда хонадонларда балиқ етиштириш лойиҳаларини молиялаштиришга 200 миллиард сўм маблағ ажратилади.

2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январгача жимоний шахсларнинг аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун БХМнинг 2 бараваригача бир марталик субсидия ажратилади.

Манба: KUN.uz материаллари асосида тайёрланди.

ОРЗУ ҚИЛИШДАН ЧАРЧАМАЙМИЗ - МАҚСАД ҚЎЙИШНИ ЎРГАНАМИЗ

Бугунги кунда биз ёшлар учун кўплаб шарт-шароитлар яратилган. Биз имкониятлар асрида яшаймиз. Биз бу шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда орзу ва мақсадларимизни амалга оширишимиз лозим. Орзуларимиз амалга ошиши учун мақсадимизни тўғри белгилаб олишимиз зарур. Қўйган мақсадимиз шунчалар аниқ бўлиш керак-ки, ўша мақсадни аввало ўзимиз тушуниб ва нимага интилаётганимизни доимо ёдда сақлашимиз лозим. Агар қўйган мақсадимизга шубҳа қилсак, эришишимиз мумкин бўлган ютуқлардан махрум этади. Орзумиз амалга ошиши учун истак бўлиш керак. Истак бўлса имкониятлар бўлади. Ҳаракат қилсак натижалар амалга ошади. Бунинг учун ҳеч қандай қийинчиликларга қарамасдан ўз орзу-интилишларимиз учун аниқ мақсадга эга бўлган қатъиятли шахс бўлиб етишимиз лозим. Бу мақсад йўлида ҳеч иккиланмай доимо олға интилайлик. Иккиланиш - қарор қабул қилишимизни кечикишига, булар эса ўз навбатида омадсизликка олиб келиши мумкин. Ўзига ишонган инсон мақсадлар қўяди, ўша мақсадлар сари курашади ва бунга албатта эришади. Мақсадларимизга эришиш учун бизга таълим бераётган меҳрибон ва бағри кенг муаллимларимиздан билим олайлик.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир ишлар самарадорлигини ошириш ва фаоллаштириш, бу борадаги таълим-тарбиявий ишларни жадаллаштириш, уларни миллий гоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими

Вазирлиги ва Ўзбекистон Касба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг 2021 йил 18 ноябрдаги “Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Менинг Президентим» ижодий ишлар танловини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 65-қ/қ, 6-01 сонли қарори асосида

мактабларнинг 10-11-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Менинг Президентим» ижодий ишлар орқали ўқувчиларнинг мамлакатимизда кузатилаётган ривожланиш жараёнларида республика ҳукумати ва раҳбариятига йўналтирилган таклиф ва мулоҳазалар бунга яққол мисол

бўла олади.

Ҳар бир инсон борки олдида мақсад қўяди. Нафақат ҳар бир кунлик, балки ҳафталик, ойлик, йиллик мақсадларимизни тўғри тақсимлаб, уларга эришиш йўлида самарали ҳаракат қилсак, мақсадимиз учун курашиш йўлида орзуларимизга албатта эришамиз. Орзуни амалга ошишдаги ҳаракатларимиз эса бу бизнинг мақсадларимиздир. Шундай экан, ҳар битта қўйилган тўғри мақсад орзумизни амалга ошишдан дарақдир. Агар бундай қилмасак, бу мақсадга эришиш йўлидаги шунчаки орзу сифатида қолиб кетади. Эришаётган мақсадимиз биздан бошқа кимларга фойда келтириши ҳақида ўйлайлик. Ҳамда барча масъулиятни ўз зиммамизга олайлик, чунки бу мақсад бизнинг мақса-

димиз ва бунга албатта биз эришишимиз лозим. Унутмайликки бизнинг энг кучли жиҳатимиз, бу ўзимизга бўлган ишончимиздир. Ўқиб, изланиб, орзу қилишда давом этайлик ва мақсадларимиз албатта амалга ошишига ишонайлик. Шунинг унутмайликки, юқори натижалар юқори умид ва юқори мақсадлар туфайли қўлга киритилади. Вақтимизни беҳуда сарфламай имкониятларни кенг бу мамлакатимизда чуқур билим олиб, давлатимиз учун фойдаси тегадиган ёш авлод бўлиб етишимиз лозим.

Наргиза ЮСУПОВА,
Нишон туманидаги
38-ИДУМ олий тоифали
она тили ва адабиёти фани
ўқитувчиси

ГИЁҲВАНДЛИК – АСР ВАБОСИ

Инсоният тараққиётининг янги чўққиларини забт этмоқда. Бироқ жаҳонда халқлар, миллатлар келажагига таҳдид туғдирувчи бир қанча омиллар ҳамон сақланиб қолмоқда. Ана шундай хатарлардан бири гиёҳвандлик балосидир. Глобал муаммога айланган ушбу иллатга қарши курашишда давлатлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Ўтган асрдан бизга “Мерос” бўлиб қолган трансмиллий жиноятчиликнинг учта энг хавфли тури инсоният келажагига ҳавф солиб келмоқда. Хусусан халқаро терроризм, дин ниқоби остидаги экстремистик фундаменталистик ва сепаратистик ҳуружлар, наркотик моддалар билан савдо қилиш (наркобизнес) одам савдоси ҳисобланади. Ҳозирги кунда ер юзидаги наркобизнес да айлана-ётган пул маблағ дунё аҳолисининг озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, таълим тизими ва тиббий хизматга сарфланаётган харажатлардан анча кўплиги билан фарқланиши ҳеч кимга сир эмас. Энг ачинарлиси гиёҳвандлик оғир жиноятларнинг содир этилишига оилалар ва миллат генофондининг бузулишига сабаб бўлмоқда. Статистик маълумотларга кўра дунёда 500 миллиондан ортиқ одам гиёҳвандлик дардига йўлиққан. Унинг аксарият қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этамоқда. Бунинг оқибатида ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмади. Шу билан бирга жаҳонда содир этилаётган жиноятларнинг 57 фоизи гиёҳвандлар ҳиссасига тўғри келади.

Элдор БЕГИМОВ,
Косон тумани ИИБ ЖКБ тезкор вакили, капитан

ҚУЛЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

Бугунги кунга асримизнинг жиддий муаммосига айланган одам савдосига қарши кураш халқаро, минтақавий, кўп ва икки томонлама муносабатларни талаб этмоқда. Ҳозирга қадар жиноятчиликнинг ушбу турига қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир қатор халқаро тавсиявий ва мажбурий ҳарактерга эга ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб улар доирасида ушбу хавфга қарши дунё миқёсида тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

“Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушиклдан фойдаланишга қарши кураш тўғрисида”ги Конвенция (1949) “Қуллик ва қул савдосини, қулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисида”ги қўшимча Конвенция (1956). “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳақида”ги Конвенцияни тўлдирувчи “Одамлар айниқса, аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш, олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида”ги баённома (2000) бу борада дастурий ҳужжат вазифасини ўтамоқда.

Одам савдосига қарши курашиш юзасидан давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш мақса-

дида 2005 йили МДХ доирасида “Одам савдосига қарши курашиш соҳасида ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида” ги келишув 2006 йилда саккиз аъзо мамлакат доирасида “Одам савдосига қарши курашишнинг 2007-2010 йилларга мўлжалланган дастури” қабул қилинган эди.

Афсуски дунё бўйлаб шунча кенг қамровли фаолият тегишли тарғибот-ташвиқот олиб борилишига қарамай ҳар йили миллионлаб инсонлар “замонавий қуллик” яъни одам савдоси қурбонига айланмоқда. Улар орасида аёллар, кексалар ҳатто ёш болалар ҳам борлиги ачинарли. Ушбу жиноятнинг ривожланишига туртки бўлаётган асосий омиллардан бири одамларнинг чет элга бориш ва ишга жойланиш ҳақида етарли маълумотга эга эмаслигидир. Ачинарлиси ўзга давлат бегона бир муҳитга тушиб қолганлар мўмай даромад илнжидида оғир жисмоний меҳнатга ёлланмоқда, аёллар эса тубан ва фаҳш ишларга мажбур этилмоқда.

Шахбоз УБАЙДУЛЛАЕВ,
Косон тумани ИИБ ЖКБ
катта тезкор вакили,
майор

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ТИЗИМИНИНГ ТАКОМИЛЛАШИШИ

Юртбошимизнинг Мамлакатимизда статистика маълумотларининг сифат ва ишончлилигини ошириш ҳамда амалга оширилаётган бир қанча кўламли ишларнинг вазифадорлиги ва юртимизда бўлиб ўтаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тўғрисидаги ПҚ-4796-сонли қарори статистика тизимида бир қанча ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

Хусусан статистика маълумотлари сифатини яхшилаш, статистик кўрсаткичларнинг тўлақонли ва ишончли маълумотлар базасини яратиш ҳамда уларни халқаро стандартларга мослаштириш, ижтимоий-иқтисодий ва демографик соҳаларда кенг кўламли статистиканинг замонавий усулларини яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Хусусан бу борада юртбошимизнинг миллий статистика тизimini такомиллаштиришда қуйидаги устувор йўналишлари белгиланган.

- Статистика органларини талаб юқори бўлган, сифатли ва ишончли маълумотларни шакллантиришга, статистик маълумотларнинг шаффофлиги ва ошқоралигини оширишга оид профессионал хизматга айлантириш;

- Илгор ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда статистик ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш, нашр этиш ва сақлаш бўйича яхлит тизимни ташкил этиш;

- Идораий маълумотлар базаларини ягона маълумотларни бошқариш тизимига интеграция қилиш орқали кузатувларни босқичма-босқич оптималлаштириш ва респондентлардан ҳисобот юкини камайитириш, шунингдек рўйхатга олиш ишларини ўтказиш ва ялпи статистик ҳисоботларни танланма кузатувлар билан алмаштириш орқали статистикани шакллантириш тизимини такомиллаштириш.

Ушбу устувор йўналишлар миллий статистика тизимини яхшилашда ҳамда ривожлантиришда, халқаро стандартларга мослаштиришда жуда таянч омил бўлади.

Ф.МИРЗАЕВА,
Муборак тумани Статистика бўлими бошлиғи

ОДАМ САВДОСИ - ДАВР МУАММОСИ

Одам савдоси иллоти жаҳон ҳамжамятини ташвишга солаётган XXI асрнинг муаммолардан биридир. Меҳнат миграцияси ҳамда ахборот алмашинувининг кучайиши одам савдоси билан шуғулланадиган жиноятчи гуруҳларга ўз қабих ниятларини амалга оширишга имкон яратиб бермоқда.

Бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида юртимизда ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу иллат билан курашишда нафақат давлат ташкилотлари, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда халқаро ташкилотлар ҳам манзилли ишларни амалга оширмоқда.

Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳисоб китобларига кўра бутун дунёда 21 миллион киши мажбурий меҳнатнинг жабрланувчилари ҳисобланади.

Дунёдаги барча мамлакатлар одам савдосидан жабрланишади. БМТ маълумотларига кўра, одам савдоси қурбонларининг 71 фоизини аёллар ва болалар ташкил этади.

2013 йил 30 июль куни БМТ томонидан Бутунжаҳон одам савдосига қарши курашиш куни деб эълон қилинди.

Бугунги кунда кўплаб халқаро ҳужжатларда назарда тутилган нормалар миллий қонунчилигимизга имплементация қилинган. Хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик, шу жумладан одам савдосига қарши курашиш бўйича ўттиздан ортиқ икки томонлама шартнома ва битимлар имзоланган. 2008 йилда эса “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги Қонун қабул қилинди. Аммо бу хотиржам бўлишимиз учун етарли эмас. Шу боис, Ўзбекистонда одам савдоси, хусусан, унинг трансмиллий кўринишларига қарши қатъий чоралар қабул қилинмоқда.

Қонунга мувофиқ, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш – одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш ҳамда чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятни ўз ичига олади.

Фаррух ТҲҲИЕВ,
Косон тумани ИИБ ЖКБ катта лейтенант

РЕСПУБЛИКАМИЗДА 2023 ЙИЛДА ИЛК БОР АҲОЛИНИ РҲҲХАТГА ОЛИШ ҲТКАЗИЛАДИ

Мақсад аниқ, режалар қатъий. Амалий ишларга эса аллақачон киришилган. Хусусан, Президентимиз Фармони асосида Аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш Концепцияси тасдиқланди.

Мазкур Концепция асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кенг муҳокама ва ҳуқуқий экспертизалардан сўнг 2020 йил 16 март куни қабул қилинди.

Қонун 5 боб, 31 моддадан иборат бўлиб, унда қонуннинг мақсади, асосий тушунчалар, аҳолини рўйхатга олишнинг вазифалари ва принциплари ёритиб берилган. Асосий принциплардан бири сифатида даврийлик принципи, яъни аҳолини рўйхатга олиш ўн йилда камида бир марта ўтказилиши ҳамда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисидаги қарор, Ўзбекистон Республикаси Президенти

томонидан қабул қилиниши белгилаб қўйилган.

Яна бир муҳим принциплардан бири, бу шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги бўлиб, бунда аҳолини рўйхатга олиш жараёнида йиғилган шахсга доир маълумотлар махфий ҳисобланиши, улар



респондентнинг розилигисиз ошкор этилмаслиги ва тарқатилмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

Қонунда респондент тушунчасига ҳам аниқлик киритиб кетилган, яъни респондентлар – аҳолини рўйхатга олиш санасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи, лекин аҳолини рўйхатга олиш санасида унинг ҳудудидан ташқарида бўлган Ўзбекистон Республика-

си фуқаролари ҳам респондент ҳисобланиши ёритиб ўтилган.

Шунингдек, Қонунда, аҳолини рўйхатга олишни тартибга солиш соҳасида давлат бошқаруви, махсус ваколатли давлат органи, рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича Республика комиссияси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари, аҳолини рўйхатга олишда иштирок этувчи респондентлар ва рўйхатга олувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тартиби, тадбирларни молиявий таъминлаш асослари белгилаб берилган.

Айни пайтда Давлат статистика қўмитаси томонидан “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳияти, аҳолини рўйхатга олишнинг аҳамиятини тушунтириш бўйича ахборот-тарғибот ишлари ҳам изчил давом эттириляпти. Шунингдек, аҳолини рўйхатга олиш жараёни билан боғлиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ва илмий-услубий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Учқун АЗИМОВ,
Вилоят статистика бошқармаси “Рўйхатга олиш жараёниларини ташкил этиш ва ўтказиш” бўлими бошлиғи

МАМЛАКАТИМИЗДА ИЛК МАРОТАБА АҲОЛИНИ РҲҲХАТГА ОЛИШ ҲТКАЗИЛАДИ

Ҳар қандай давлатнинг тарихи – бу, биринчи навбатда, унда яшайдиган халқнинг тарихи, аҳолисининг сони ва таркиби, унинг иқтисодий ва ижтимоий тавсифларида ўз ифодасини топади. Аҳоли сони бўйича аниқ ва яхлит маълумотлар аҳолини рўйхатга олиш асосида олинади.

Аҳолини рўйхатга олиш – Мамлакатимизнинг бутун ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудларида ўтказиладиган, белгиланган санада аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий тавсифларини белгилувчи шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов бериш аҳоли тўғрисидаги ишончли ахборот манбаи ҳисобланади.

Аниқ белгилаб қўйилган ягона ҳисобга олиш даврида аҳолининг жинси, ёши, оиловий аҳоли, маълумоти, ҳаёт даражаси, яшаш шароити, бандлиги, миллати, фуқаролиги ҳамда бошқа демографик, ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари бўйича ва бошқа тавсифлари ҳақида маълумотлар олишнинг ягона манбаи бўлиб хизмат қилади.

Аҳолини рўйхатга олиш дастлаб қадимги Греция, Вавилон, Месопотамия, Рим, Хитой, Япония ва Мисрда ўтказилган. Лекин, бу аҳоли рўйхатларининг мақсади аҳолидан солиқ йиғиш, яъни бож

олиш ҳамда ҳарбий мақсад учун аҳоли сонини аниқлаш бўлган. Шунинг учун ҳам, бу аҳоли рўйхатларида асосан эркаклар рўйхатга олинган. Чунки, у пайтларда эркакларнинг иқтисодий ўрни юқори бўлган, солиқ тўлашда фақат эркаклар, яъни оила бошлиқлари қатнашган. Аҳолини энг биринчи расмий рўйхатга олиш

1790 йилда АҚШда, кейинчалик 1800 йилда Швеция ва Финляндияда, 1801 йилда – Англия, Дания, Норвегия ва Францияда ўтказилган. Аммо, бу аҳоли рўйхатлари жуда оддий шаклда ҳамда узоқ муддатга чўзилган. Масалан, биринчи АҚШда аҳолини рўйхатга олиш ишлари 18 ой давомида олиб боришган.

Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрда №710-сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарор ижроси юзасидан жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда, жумладан маҳаллаларда шакллантирилган харита ўрганишлари, хариталар ҳамда схематик режаларни қайта кўриб чиқиш бўйича бир қатор ишлар олиб боришмоқда.

Ф.МИРЗАЕВА,
Муборак туман статистика бўлими
етакчи мутахассиси





Чироқчи туман 15 ДМТТ директори Муродова Дилшода ҳозирда 12 та гуруҳда 360 та бола тарбия топмоқда 51 та ишчи ходимлар бор. Маҳаллий бюжетдан туман ҳокими ташаббуси билан қайта реконструкция ишлари 2019 йилда бошланиб 2021 йил 1 ноябрда тугатилиб очилиш маросими бўлиб ўтди.

Шахмат-шашка, гимнастика, рус тили, инглиз тили тўғрақлари мавжуд. Туман ҳокимлиги томонидан 8 та телевизор 2 та кондеционер совға қилинди. Табиий газ билан таъминланди.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА ДИДАКТИК ҲИСОБИЛАРНИНГ ҲОЛИ

Ҳозирги замон мактабгача таълим методикаси олдида болаларга чет тилларини ўргатиш бўйича янги вазифаларни қўймоқда. Бу соҳада иш олиб бораётган методист олимларнинг изланишларида хорижий тилга ўргатишнинг энг асосий усули ўйин эканлиги таъкидланди.



Дидактик-таълимий ўйинлар болаларнинг теварак-атроф тўғрисидаги билимларини, жумлалар тузиш, сўз шаклини ўзгартириш, ҳикоя тузиш кабиларни шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Ўйин фаолияти асосида боладаги билиш фаолияти ривожланади, бола қанча яхши ўйнаса, мактабда шунчалик яхши ўқийди. Ҳаракатли мусиқа, сахналаштирилган ўйинлар болаларда ифодали, мазмунли ва оҳангдор нутқни ривожлантиради.

Шу боис мактабгача таълим ташкилотларида дидактик ўйинлар таълим-тарбия воситаси сифатида кенг қўлланилади. Дидактик ўйинлар айниқса мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш ва имкониятларига нисбатан мос келадиган таълим бериш методидир. Улар пассив болаларни фаоллаштириш, жамоа таркибиде турли вазифаларни дадил бажаришларида асосий восита бўлиб хизмат қилади. Дидактик ўйинлар болаларда ўз манфаатларини жамоа манфаатлари билан уйғунлаштира олиш, бир-бирига қўмаклашиш, ўртоқлари муваффақиятидан хурсанд бўлиш каби яхши муносабатларнинг таркиб топишига софдиллик, ростгўйлик

каби ижобий хислатлар шаклланишига ёрдам беради. Дидактик ўйинлар болаларнинг ақлий фаолиятларини кучайтиради, болалар машғулотларда олган билимларидан фойдаланадилар.

Дидактик ўйинлар болаларнинг амалий фаолияти саналади, олган билимларидан ҳар хил усулда фойдаланишлари учун ҳаётий шароит яратиб беради.

Таълимий ўйинлар - вазиятли, мусобақали, ритмик-мусикали ва бадий турларга бўлинади. Жумладан, "Мушук-мушук" ўйини қуйидагича ташкил этилади. Бу ўйин рангларни такрорлаш учун қўлланилади. Бошловчи «мушук» болаларга орқа ўгириб туради. Болалар: «Cat, Cat» дея қақирадилар. Мушук «Мийё, мийё» деб жавоб беради. Болалар: «What colour do you like?» дея сўрайдилар. Мушук: «I like yellow» деб жавоб беради ва шу заҳоти болаларга қараб ўгирилади. Болалар эса у айтган рангни топиш ва унга қўл теккизиши учун мушукдан қочишади. Рангларни ҳар қаердан: кийимлардан, кубчалардан, расмлардан излаш мумкин. Керакли рангни топа олмаган болани мушук ушлаб олади ва ўша бошловчи бўлади.

Маълум ролларга бўлиниб ўйналадиган жамоавий ўйин болалардан қатъий қоидаларга бўйсуннишни ва айрим вазифаларни ўхшатиб бажаришни талаб этади. Бундай ўйинлар болаларда ирода кучларини ҳамда қоидаларга, тартиб-интизомга бўйсунниш каби ижобий хислатларни тарбиялайди ва ўстиради. Жумладан, "Сакровчилар" ўйинида ўйин бошланишидан олдин ўқитувчи сакрашни ёқтирадиган қурбақа, қуён, маймун каби жониворларни эсга олишни таклиф қилади. Ўйинда ниқоблардан фойдаланиш мумкин.

Ушбу ўйинларнинг ўзига хос томони болада фаоллик, ижодкорлик, мустақилликни намоён қилишга шарт-шароит яратади. Бундай ўйинлардан чет тил ўргатишда ҳам фойдаланиш яхши самара беради.

Матлуба ТОШПҲЛОВА,
Чироқчи туман 15-ДМТТ тарбиячиси

ТАШАББУС – БЕШ ИМКОНИЯТ

Ёшлар миллатнинг суяни ва эртаси. Уларнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ эканини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди. Президентимиз та-

бўйлаб тадбирлар, кўрик-танловлар, лойиҳалар бўлиб ўтмоқда. Ушбу танлов ва лойиҳалар, тадбирлар орқали минглаб иқтидорли ёшлар кашф этиб келинмоқда.

Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитетини ҳам шунчалик кучли бўлади. "Беш муҳим ташаббус" орқали кўплаб ёш истеодли ўқувчилар аниқланмоқда. Уларга юксак рағбат ва эътироф ила Президентимиз тамонидан олий таълим муассасаларига киришлари учун алоҳида квоталар ажратдилар. Бу ҳам ёшларимизни

бор куч, билим ва тафаккурини ишга солган ҳолда ўз устиде изланишга чорламоқда. Хусусан, учинчи ташаббусни оладиган бўлсак, аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни тизимли ташкил этиш бўйича юртимиз бўйлаб барча туман ва шаҳарларда ИТ марказларга очилди. Ушбу ИТ марказларида эса "Ёш дастурчилар" етишиб

чиқмоқда. Мактаб ўқувчилари ИТ соҳасини мукамал ўрганиб ҳатто у ерда ўз тенгқурларига ўргатмоқдалар. Шу билан биргаликда барча мактабларда "5 муҳим ташаббус", "5 ташаббус, 5 имконият" бўйича турли хил тўғрақлар фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, ёшлар ўртасида китобхонлиқни кенг тарғиб қилиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида "Ёш китобхонлар" тўғраги фаолияти мактабларда йўлга қўйилган. Бундан ташқари, ёшларни спорт ва жисмоний тарбияга бўлган қизиқишини янада ошириш учун мактабларда дарсдан сўнг спорт тўғрақлари, ёшларни ва аҳолини компьютер саводхонлигини ошириш мақсадида синф хоналари тўлақонли компьютерлар билан жиҳозланиб компьютер тўғрақлари йўлга қўйилди. Туман ва шаҳар марказларида 5 муҳим ташаббус ижроси бўйича кўплаб спорт иншоотлари, маданият марказлари энг сўнги ва замонавий услуб жиҳозлар билан қуриб битказилиб, ёшларимиз фойдаланишлари учун топширилмоқда.

Мадина ЭЛМУРОДОВА,
Чироқчи тумани 15-ДМТТ методисти

БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ

Инсон умрининг кўрки ва мазмуни фарзанддир. Жажжи ва қалби беғубор болажонларни ардоқлаш, соғлом ўстириш, турли хуружлардан асраш, уларга таълим-тарбия бериш катталарнинг муқаддас бурчи ҳисобланади.

Ўзбек халқи азал-азалдан болажон. Юртимизнинг қайси бир гўшасига борманг, болаларга кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг гувоҳи бўласиз. Фарзандлар кўзидаги қувончни кўриб, қалбингиз фахр ва ғурурга тўлади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда болалар манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом қилиб вояга етказиш, фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари, хусусан, бола ҳуқуқларига оид бир қатор халқаро битимларга қўшилди. Жумладан, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция, "Болаларни омон асраш, ҳимоя қилиш ва камол топтириш таъминлаш тўғрисида"ги умумжаҳон Декларациясининг ратификация қилинганлиги Ўзбекистонда болалар манфаатларини таъминлаш устувор аҳамиятга эга эканлигининг ёрқин далилидир.

Конституциямизнинг 64-моддасига мувофиқ "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунарига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдилар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш

ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради". Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб қўйилган.

йилларнинг "Оила йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили", "Ёшлар йили", "Баркамол авлод йили" деб номланиши ва шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурида, аввало, болалар ҳимояси, соғлом насл, оналарнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш, болаларнинг соғлом туғилиши ва баркамол авлодни тарбиялаш масалалари ўрин олган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарқатган хабарда қайд этилишича, дунёда вафот этаётган болаларнинг ҳар учинчиси очлик қурбони бўлмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқиро-



Мазкур қонуннинг 11-моддасида боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқий кафолатлари ҳақида сўз юритилган бўлиб, унда ҳар бир болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг қонунга ҳилоф қарорлари, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Соғлом она ва бола йилида ҳам болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни уйғун камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга эътибор қаратилмоқда. Юртимизда йилларни номлашда келажакимиз бўлмиш болаларнинг манфаатини таъминлашга доир мақсадлар ўз ифодасини топган. Қатор



зи ушбу вазиятни янада кескинлаштиради. Натижада бугунги кунда сайёрамиз бўйича 200 миллион нафар бола сурункали тарзда тўйиб овқат истеъмол қилмайди.

Маълумотларга қараганда, ҳозир сайёраимизда 57 миллион нафар боланинг мактабда ўқиш имконияти йўқ, сифатсиз таълим туфайли 250 миллион нафар бола ўқиш ва ёзишни билмайди.

Шохиста ЖУМАҒУЛОВА,
Замира ХОЛБОЗОРОВА,
Чироқчи тумани 15-ДМТТ тарбиячилари

ҒАМХЎРЛИК ВА ЭЪТИБОРНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Болалар ҳар бир мамлакатнинг улкан бойлиги, катта салоҳиятга эга стратегик ресурсларидан биридир. Болаларга ғамхўрлик дунёнинг барча мамлакатларида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Болалик инсон ҳаётининг ажралмас



даври, таъбир жоиз бўлса, катта марранинг бошланғич нуқтаси. Зеро, "бола бошидан" деган ҳикматли нақл халқимиз томонидан бежизга айтилмаган.

Шубҳасиз, ёш авлоднинг баркамол ва етук шахс сифатида шаклланишида таълим ва тарбиянинг, оила ҳамда катта авлод вакилларининг ўрни беқиёс. Донишмандлар болани ёш ниҳолга қиёслашади. Эгри ўсган ниҳол қийшиқ дарахтга айланганида уни тўғрилаш амри маҳол вазифа. Болага ҳам ёшлигидан оилада ва жа-

миятда рисоладагидек тарбия берилмаса, улғайган уни тўғри йўлга солиш қийин бўлади. Шу боисдан машҳур Шарқ мутафаккири, буюк аждодимиз Абу Али Ибн Сино ўзининг "Донишнома" асарида бола тарбияси учун аввало ота-она масъуллигини таъкидлайди. Шунингдек, буюк аллома фарзанд тарбияси ҳақида фикр юритиб, бунга атроф-муҳитнинг ҳам таъсири улканлиги хусусида шундай дейди: "ёш бола таълим-тарбия оладиган жойда одоб-ахлоқли, туриш-турмуши намунали болалар бўлиши лозим. Зеро, ёш бола ҳар бир нарсани уларга тақлид қилиб ўрганади ва улар билан дўст бўлади".

Алишер Навоий ҳам ўз асарларида боланинг вояга етишида тарбияни биринчи ўринга қўяди. Ўзбек халқининг яна бир буюк маърифатпарвари Абдулла Авлонийнинг фикрича, одам туғилишидан ёмон хулқ билан туғилмайди. Унинг яхши инсон бўлиб етишишида эса тарбия ўта муҳим роль ўйнайди. Зеро, инсондаги қобилиятни камолга етказиш тарбия билан амалга ошади.

Болаларга беринг дунёни

Болалар дунёга, атроф-муҳитга бошқача назар билан қарайди. Маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, ёш бўлишига қарамайдан ўзининг қатъий фикри, нуқтаи-назари ёки ихтироси билан дунёни ўзгартирган болаларни кўришимиз мумкин.

Мадина ИБРОХИМОВА,
Дилафрўз БОЙМУРОДОВА,
Чироқчи тумани 15-ДМТТ тарбиячилари

СОҒИНЧ БИЗНИ СОҒИНИБ ҚОЛАР

Ўтиб кетди ёшлик баҳор онлари Ранжитиб, ярашган сонияларим Вақтининг милларини интизор кутиб Сизни соғиняпман синфдошларим

2021 йил 21 декабрь куни Қарши туманига қарашли Файзобод қишлоғи 15-сонли ўрта мактабда 1976-1986 йил 1969 йилларни битирув кечасининг 35-йиллик дийдорлашув онлари тадбири бўлиб ўтди. Синфдош бу сўз замирида болаликни унитилмас онлари, яширин, сиз ундан соғинч ва болаликни излайсиз, эслайсиз.

1976 йилнинг баҳор ойида ёлғиз оёқ кўчаларининг дарахтлар орасидан сайроқи қушлар овозига ҳам оҳанг бўлиб оқаётган ариқ бўйлаб илк бора мактаб остонасига қадам қўйган собиқ ўқувчиларнинг болаликларига ҳам 35 йил тўлибди. Худди кечагина мактаб синфхонасига кириб келишган уларни (марҳум) устозлари Х.Турдиев Маърифат Умирова кўз мунчокдек бинафша гули каби саф тортиб турган болаларни жажжи кўлларидан тутиб она ватан мактаб, сўзларини ёзишни ўргатаётгандек туюлаверади гуё интиқлик билан қутилган тонг нур билан само ўзра таралиб синфдошлар ўша баҳорни, беғубор болаликни меҳр муҳаббатни қалбларига жо қилиб гул дасталар билан мактаб остонасига бирин кетин кириб келишди. Собиқ синфдошларни, синф раҳбари, мактаб директори З.Ниёзов жажжи болажонлар эсдалик совғалари билан кутиб олинди. Байрамона безатилган синфхонада “Ҳаёт дарси” тема мавзусида очик дарс билан синфдошлар учрашуви бошланиб синф раҳбар. З.Ниёзов 35-йиллик учрашув тантаналари билан қутлади. 35 йил бундай олиб қаралса унчалик ҳам оз фурсат эмас албатта. Ўтган йиллар мобайнида синфдошлар орасида ҳам йўқотишлар ўқинч армонлар хотира ва соғинчлар қалбларда ўчмас из қолдирди. Мангулик сари фаришта мисол ҳаётини тарк этган. Нурхон Арслонов Б.Холиқова Т.Буриев, С.Омонова, И.Имомоваларнинг ёрқин хо-

тираси эсга олиниб улар хотирасига ҳурмат бажо келтирилди. М.Бахромова, С.Буриев, З.Рузиева, Ш.Бойтов, С.Файзуллаева, С.Боитова, Х.Қулматовлар ҳам барча собиқ синфдошларни тадбир билан қутлаб, ўз



дил сўзларини болаликни эсда қоларли хотиралари билан барчага баҳорий кайфият улашдилар. Куннинг кеч соатларида мактаб даргоҳидан мухташам “Сунбулла” тўйхонаси томон йўл олиниб синфдошлар, фахрий ўқитувчилар таклиф қилинган меҳмонлар қуршовида сокин тун оғушида дийдор онлари давом этирилди. Фахрий ўқитувчилар А.Нурматов, З.Мирзаеваларга эсдалик совғалар тақдим этилди. Зиёев, Б.Бутаева, Н.Мамаев, Х.Тухтаева, З.С.Бойитов, Р.Болтаева, Ш.Умбаров, Ш.Расулова, М.Жовлиева С.Сағдиева, Д.Жўраевалар томонидан тайёрланган куй қўшиқлар, шеър, сахна кўринишлари, тадбир иштирокчиларига гўзаллик ва нафосат эъзоз эътибор бахшида этилар. Куй қўшиқларга уланиб кетган тун нурли оппоқ тонгнинг қарши олиб Қарши туманига қарашли Қовчин қишлоғида жойлашган “Абул Муйн Ан Насафий” зиёроғи томон этаклади. Абул Муйн Насафий қабрлари зиёрат этилиб кутубхона ва музейда бўлиб унитилмас таъсуротлар билан тадбир ташкилотчиси Рўйиддин Исмоиловнинг якуний табриги ва илоҳий нур ила ўз ниҳоясига етди.

Мўҳиба НАЗАРОВА

ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Ҳозирги вақтда инсон ҳаётига компьютер жадал кириб келмоқда. Компьютер иш юритишни осонлаштиради, янги ҳужжатлар ва ҳар хил матнларни тез ва қиёсатли тайёрлаш ва таҳлил қилиш, телефон алоқа орқали ахборотлар билан алмашиш, мураккаб ҳисоб-китобларни тез бажариш ва ишлаб чиқариш жараёнини осонлаштирилди. Яқин келажакда компьютерсиз ҳаётимизни тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳар бир кишига тушунарли бўлган кичик ҳажмдаги билимлар жуда керак бўлади.

Ҳозирги кунда республикамизда бажарилаётган барча ислохотлар ёшларни билимини ошириш ва ёш кадрларни етук қилиб тарбиялашга қаратилмоқда ва шу билан бирга айтиб ўтишимиз жоизки, билим маскани бўлмиш мактабларни ривожланиши учун мамлакатимизда жуда катта эътибор берилмоқда. Республикаимизда барча мактаблар автоматлашган тизимига ўтказилган, ўқитувчиларва ўқувчилар учун АКТ хоналари, проектрлар, электрон доскалар ва интернет билан ишлашга шарт шароит-

лар яратилди.

Бизнинг Косон тумани 5-умумий ўрта таълим мактабимизда ҳам ёш авлодни ҳар томонлама билимли ва зукко қилиб тарбиялашга қатор иш-



лар амалга оширилмоқда.

Мактабимиз раҳбари Озода опа Шамсиева бошчилик қиладиган жамоамизда жами 120 ўқитувчилар фаолият олиб бормоқда. Мактаби-

миз рус ўзбек тилига ихтисослашган мактаб бўлганлиги учун мактабимиз директори ўқитувчиларни ҳам танлов асосида ишга қабул қиладилар сабаби, “таълим сифатини ошириб мактабимиз шаъни учун ёш авлодни келажоғи учун биз маъсулмиз” Деган фикрни доим олға сўрадилар. Мактабимиз ЎИБД ўлавозимида фаолият олиб борадиган Хафиза Муфтиллаева ҳам халқ таълими аълочиси унвонига сазовор бўлган.

Ўқувчиларга АКТ саводхонлиги бўйича чуқур амалий билимлар бериб бормоқда. Фанимизни янада мустаҳкамлаш учун турли мавзуларда очик дарслар, тадбирлар уюштириб дастурлаш асосларини ҳам ўргатиб келяпти. Мамлакатимиз миқёсида эълон қилинган Бир Миллион дастурчи лойиҳасида ҳам ўқувчиларимиз иштирок этиб турли йўналишдаги сертификатларни қўлга киритиб келишмоқда.

Сарвиноз КУТБИДДИНОВА, Косон тумани 5-умумий ўрта таълим мактабимизнинг информатика фани ўқитувчиси

ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОД

Сурхандарё вилояти футбол Ассоциацияси оммавий футбол бўйича мутахассиси Виктор Алишнеков 2020 йилдан ишлаб келмоқда. В.А. Алишнеков 1971 йилда тренерлик фаолиятини бошлаган. Шу йиллар давомида кўплаб футболчиларни тайёрлаган.



1977 йилда “Пахтакор” марказий спорт жамияти томонидан ёш футболчиларни тайёрлашда Республика мусобақаларда яхши натижага эришгани учун “Энг яхши мурабий” медали билан фахрий ёрлик билан тақдирланган. 1986 йилдан В.Алишнековга 1976 йилдан 1994 йилгача Собиқ Иттифоқ биринчилиги ва Ўзбекистон биринчилиги мусобақаларини ҳакамлиги учун унга футбол бўйича Республика тоифасидаги ҳакам унвони берилди. В.Алишнеков бир қанча шогирдлар тайёрлади. 1977 йилда ўз тарбияланувчиси Александр Ярцевни “Автомобилист” Термиз футбол жамоасига тайёрлаб берди. А.Ярцев “Автомобилист” футбол жамоасига собиқ Иттифоқ биринчилигида 2-лига мусобақаларида иштирок этиб “Спорт устаси” унвонига сазовор бўлди. 2001 йилда Э.Шомуродов “Насаф” Қарши футбол жамоаси сафида ўйнаб ОФК Кубигини қўлга киритди.

2007 йилда В.Алишнеков “Машъал” Муборак футбол академиясида мураббий селекционер бўлиб ишлаган даврида Жарқўрғонлик ёш қобилятли футболчиларни Элдор Шомуродов ва Сардор Абдураимовларни академияга тарбияланувчи сифатида қабул қилишда меҳнати синган.

Ҳозирги кунда Элдор Шомуродов Ўзбекистон миллий терма жамоаси етакчи ўйинчиси. 2019-2021 йилларда Ўзбекистоннинг энг яхши ўйинчиси номинациясини қўлга киритган. Элдор Шомуродов 2017-2020 йилларда Россия премьер лигаси “Ростов” футбол клубига ўйнайди. Ҳозирги кунда “Рома” Рим футбол клуби билан шартнома тузган ва 2021 йил “Рома”сафида Италия “А” сериясида ўйнайди.

Сардор Абдураимов ҳозирги кунда Ўзбекистон Супирлигаси “Турон” Фарғона футбол жамоаси сафида ўйнамоқда.

Ҳозирги кунда В.Алишнеков Сурхандарё вилоят футбол Ассоциацияси ҳакамлар ва инспекторларни тайёрлаш ва мусобақаларни ташкил этиш бўлими мутахассиси. Ўз меҳнатини аямайдиган А.Алишнеков тажрибали мураббий, инсон сифатида Республикаимизда ҳурматга сазовор бўлган мураббийлардандир. У вилоят футбол фахрийлари Кенгаши раиси.

Ҳар ишда ташаббускор. Ёшларга мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг мазмун моҳияти, ёшларга яратиб берилаётган имкониятлар ҳамда шу имкониятлардан унумли фойдаланиш бўйича тушунчалар бериб келади. Фидоий инсон.

Улкан тажриба ва етук малакага эга бўлган футбол устози сифатида спорт жамоатчилигини ҳамда шогирдлари ҳурматини қозонган.

Азиза ЭРГАШЕВА

ТАЪТИЛИНИНГ БИР КУНИ

Дунёнинг ҳеч бир мамлакатиде бизнинг давлатимиздаги каби болаларга нисбатан ғамхўрлик кўрсатилган эмас, десак асло муболоға бўлмайди. Дунёнинг теран англаши баркамол улғайиши, таълим-тарбия олиши ҳаётга ватанга бўлган меҳрини онг ва ақл тафаккури билан кўра олиши ўз ўрни комил инсон даражасига ети-



ши учун ота-оналар тарбияси ўқитувчиларнинг машаққатли меҳнатлари эвазига эришилади. Ҳар томонлама қомилликка эришишимизда айниқса болаларни улғайиш давларидан бошлаб ватанимиз турли жойларида жойлашган қадимий ёдгорликлар улғу боболаримиз ўтган

масканларда музейлар, азиз авлиёларнинг қадим-жолари таътил вақтларида экскурсиялар қилиш ҳам болалар қалбида узоқ вақт сақланиб қолади. Янги 2022 йилни 11 январь куни Қарши шаҳар 9-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби фортепиано бўлими ўқитувчиси Усмонова Дилором Раисалиевна раҳбарлигида 1-2-3 синф ўқувчилари билан биргаликда ўқувчиларни таътил кунларини мазмунли ўтказиш мақсадида Қарши шаҳ-

рида жойлашган “Одина” музейга экскурсия уюштирилди. Экскурсияга Усмонова устоз Дилором опа ва ўқувчиларига 1974-1977 йилларда вилоят ишларида ишлаган меҳнат фахрийси бувижон Казакова Файла Фаттаховна ҳамкорлик қилди. Ўқувчилар “Одина” музейига кириб борар эканлар юз кўзларидаги ҳаяжонни яшира олмадилар. Музейда сақланаётган экспонатлар 9-асрга тегишли 2 аср тарих эга замбарак, тўп қилич шамшир мушкет қуроли, дунё бўйлаб биринчи марта зигир толасидан ишлаб чиқарилган пуллар мусиқа оҳанглари таралган патифон жадидчилар томонидан қадимий “Садия”, “Қуръон” китоблари ҳарбий кийимлар айниқса болаларни эътиборини тортган бош кийимни эслатувчи жангчиларни

ни ош-овқатларини истеъмол қилиш учун белларида боғлаб юрилган сумкалари уларда зўр қизиқиш уйғотди. Шунингдек, “Сардоба” сув омбори ҳақида ҳам батафсил маълумотга эга бўлишди. Дилором Усмонова томонидан ташкил этилган экскурсия эски шаҳарда ўрнатилган ос-

мон ўпар арча атрофидаги уйин-кулгу ўқувчилар қалбида бир умр сақланиб қоладиган таъсуротлар билан якун-



ланди.

Мўҳиба НАЗАРОВА

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҲАМДА ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Мамлакатимизда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилашни таъминлаш соҳасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Эслатиб ўтишимиз керакки, 30.10.2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-5863-сон фармони ҳаётга тадбиқ этилган ва қатор ижобий ишлар амалга оширилган эди.

Шу билан бирга, атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида ўтказилган таҳлил натижалари атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат функцияларини амалга оширишда комплекс ёндашув ва стратегик режалаштириш, шунингдек, қўйилган вазибаларни самарали бажариш учун табиатни муҳофаза қилиш органининг ваколатлари кенгайтириш, мамлакатда экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш, қулай экологик ҳолатни барқарор сақлаш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини таъминлаш ҳамда соҳада содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2021 йилдаги «Атроф-муҳитни

муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-76-сон Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тиклаш ва инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсирини олдини олиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат назоратини олиб бориш, маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш борасида давлат ва хусусий шерикчиликни фаол жалб қилган ҳолда тизимни ташкил этишга катта аҳамият берилган.

Зеро, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлиш, табиат неъматларини келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш ҳиссини шакллантириш антропоген таъсирларнинг олдини олишда асосий омиллардандир. Бунда экологик таълим-тарбиянинг аҳамияти ҳам ниҳоятда юқори.

Нуржохон ҚИЛИЧЕВ,
Ҳаким АЗИМОВ,
Қарши шаҳар юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юрисконсультлари

Объектларда тарғибот ишлари

Муборак нефть-газ қазиб чиқариш бошқармаси мамлакатимиз иқтисодий ҳаётини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Айни вақтда жойларда ёнгин келиб чиқмаслиги учун ёнгин хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор қаратишмоқда.

Жумладан жорий йилнинг бошидан бошқармага қарашли муборак туманида жойлашган объектларда ёнгин хавфсизлиги ҳолати тўлиқ ўрганиб чиқилиб аниқланган камчиликлар бўйича объект раҳбарларига ёзма кўрсатмалар киритилди. Ўз навбатида инсонларни ҳар қандай ноҳус ҳолатлардан сақлаш, асосан ёнгинларни келиб чиқишига йўл қўймаслик юзасидан тарғибот –ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Йил бошидан масканларда тузилган кўнгилли ёнгин дружиналари (КЁУД) бўйруғига асосан, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ва ёнгинларни олдини олиш борасида кўп маротаба йигирма нафар кишига машғулотлар ўтказилди. Ишчи – хизматчилар ўртасида саккиз маротаба саксон олти кишига ҳамда оммавий ахбоот воситалари орқали кенг қамровли тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

Жавоҳир РЎЗИЕВ,
МГКИЗ ОБЁХТТЭБ П ва НБ мутахассиси сержант

“ОГОҲЛИК ДАВР ТАЛАБИ”

Ёнгин махсулотлари орасида бошқаларга нисбатан энг хавфлиси табиий газдир. Табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги, газ оқимининг беҳосдан ва ҳар хил омилларга (қувурларнинг тешилиши, авариялар) хона ичида газ тўпланиши, газ плитасини ёқиб қўйиб соатлаб хабар олмаслик, иситиш печларига газни улашда хавфсизлик чораларини кўрмаслик ҳамда бепарволик портлаш, ёнгин чиқиши, шунингдек, ис газларидан захарланиш ҳолатлари билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларни келтириб чиқаряпти.

Бундан ташқари аҳоли томонидан қўлбола, стандарт талабларига жавоб бермайдиган асбоб-жихозлардан фойдаланиш, газ тармоқларига резина шланг орқали улашиш дудбуронни тозаламаслик ва уй ичини иситиш мақсадида очик оловдан фойдаланиш оқибатида фуқароларнинг ис газидан захарланиши ҳамда ҳаво-газ аралашмаси чақнаши туфайли ёнгин содир бўлиб, одамлар ҳалок бўлиши ҳолатлари кузатилмоқда.

Ф.АБДИСАЛОМОВ,
МГКИЗ ОБЁХТТЭБ П ва НБ катта инспектори, катта лейтенант

ЁНГИН ҲАКИДА ХАБАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ МОСЛАМАЛАР

Автоматик ёнгин ўчириш қурилмаларни тармоқ ва элементлари мустаҳкамлигини оширишдаги бир неча йўналишлари. Автоматик ёнгин ўчириш қурилмаларининг ишлаш қобилиятини узлуксиз назорат қилишнинг қанчалик амалга оширсак ва технологик автоматикасининг занжирига уни тўғридан тўғри уласак бу автоматик ёнгин ўчириш қурилмаларининг мустаҳкамлигини оширишда муҳим йўналиш ҳисобланади

Автоматик ёнгин ўчириш қурилмаларининг мустаҳкамлигини оширишда бошқа бир муҳим йўналиш – конструктив ва чизмалар ечимларни бир жойга тўплаш. Масалан: кўзгатиш ишга тушириш бўлинмаси билан тарқатиш қурилмасининг чизмасига асосан газ билан ўчириш батареясини ва БАП (пневмо-

пуск) ҳаво билан ишга тушуришни ишлаб чиқдилар, қиймати ва оғирлиги 4баллонли батареянинг қиймати ва оғирлигининг 50%ни ташкил қилди. Бундан ташқари, ҳаво билан ишга тушириш тизимига уланган қурилмалар микдори, ишга туширишдаги ҳавонинг чиқиш тешиклари ёпишга имконият яратди, шунинг учун универсал тикин (запор) ишга тушириш бошининг қўлланилиши ҳисобига ПСР бўлинмасини истисно қилганда, ушбу қурилманинг металл сифимини қисқартириб, унинг мустаҳкамлигини ошириш дастурини ишлаб чиқдилар.

Рамил ОТАМУРОДОВ,
МГКИЗ ОБЁХТТЭБ П ва НБ инспектори катта сержант

СЕНИ КУЙЛАЙМАН ВАТАН

Кўёшли юрт кўхна заминим
Шахрисабз гўзал масканим.
Алпомишга тақалар наслим
Барчиноёга ўхшайди аслим.
Амир Темур руҳи бўлиб ёр,
Яшнамоқда бу гўзал диёр,
Юксакларга бўй чўзиб ҳар он
Донилиқда тенги йўқ устоз,
Юртбошимиз бизга бўлиб бош.
Ҳаёт гулгун, ҳамда фаровон
Камол топсин ҳур
Ўзбекистон!



Ораста ХИММАТАЛИЕВА,
Қашқадарё вилояти Шахрисабз туманидаги 72-умумий ўрта таълим мактабининг 5-синф ўқувчиси

СИРЛИ ТАБИАТ



Табиат бугун ўзгача
ҳисда
Безовта елиб эсмоқда
шамол
Бун кумсаймиз
қаҳратон қишда
Чирой очмоқда занго-
ри жамол....

Далада ишлар қизғин
кетади

Ковуну тарвуз ҳосиллар бисёр
Меҳнат қилган бахтга етади
Бизга ҳалоллик эзгулик шиор ...

Ғалла пахтага кўзлар тегмаса
Энди бўлади хирмонлар баланд
Дехқон қалбидан иймон кетмаса
Тупроққа донни қилади пайванд....

Жонзотлар ҳатто қилар ҳаракат
Меҳнат қилиб ерга тўкар тер
Озуқа ғамлаб ҳар бир тирик жон
Яшагай бўлиб қишда қадди кер...

Лазиза ҚИЁМОВА,
Қашқадарё вилояти Шахрисабз туманига қарашли 11-мактабнинг 10-синф ўқувчиси

ВАТАН

Порлагувчи бир юлдуз
мисол
Баралла айтаман такрор
ва такрор
Номингни сўзлайман иф-
тихор билан
Ишончингни албатта
оқлайман Ватан.

Бағрингда улғайиб , буюк
бўламан
Сен учун бир кунни ёниб
куяман
Номингни тилларда дос-
тон қиламан
Ишончингни албатта оқлайман Ватан

Ҳаммани лол қилиб ҳар бир гўшанга
Яшнаиб, чўлларинг гулзор қиламан
Бир ҳовуч тупроғинг суртиб кўзимга
Ишончингни албатта оқлайман Ватан

Юрагим тўрида бир садо бордир
Сен учун жон беришга бир жоним бордир
Хизматинга доим ўзим тайёрман
Ишончингни албатта оқлайман Ватан

Барча сўз ожиздир таърифламоққа
Номингни куй қилиб қўшиқ айтмоққа
Тайёрман, шу сўзга қасам ичмоққа
Ишончингни албатта оқлайман Ватан

Нозлия Кудратова,
Шахрисабз туманидаги 10-синф ўқувчиси

ЭЪЛОН

«BORRAS» ва «IBRATJON ASAL SHIFO» маъсулияти чекланган жамиятнинг 2022 йил 17 январдаги 1-сонли қўшма йиғилиш қарорига асосан «IBRATJON ASAL SHIFO» маъсулияти чекланган жамиятини – «BORRAS» маъсулияти чекланган жамиятига қўшилишини маълум қилади.

«IBRATJON ASAL SHIFO» маъсулияти чекланган жамиятидан дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги бўлган барча юридик ва жисмоний шахслар «BORRAS» маъсулияти чекланган жамиятига мурожаат этишлари сўралади.

Манзил: Қарши шаҳар ОҚ ТЕПА МФЙ ОҚ ТЕПА КЎЧАСИ 11-УЙ
Жамият таъсисчиси: Бойматов Ибротжон (91 – 634 – 73 - 36)

КУЁШ ОЙ ВА ЮЛДУЗ

Ой ҳам чикди бу кеча
Кузатдим то тонггача
Кундуз ҳам бўлиб энди
Куёш чиқай деб туриб
ухлаб қобман ўтириб



Мана энди кураимиз
Ой яхшими ё кўёш
Балки юлдуз ундан зўр
Билмай қолдим эҳ узур

Кейин сўрадим тинмай
Тўхтамай тиним билмай
Сўнгра улардан бири
Деди тинмай тўхтамай

Куёш,ой ҳамда юлдуз
Керакдир бизга бари
Куёш кун учун керак
Ой ва юлдуз албатта

Тун болиш учун керак
Кимгадир ёқар кўёш
Кимга эса ой, юлдуз
Менга ёқар барчаси

Барча ҳамма ҳаммаси
Улар кўёш ой юлдуз
Чунки улар бўлмаса
Бўлмас тун ҳам кундуз

Жасмина ХАМРАҚУЛОВА,
Шахрисабз туман ХТБга қарашли 2-ИДУМИнинг 8 «Б»-синф ўқувчиси

ОНАЖОН

Авалло, ассалом сизга
онажон
Ҳаётда керагим, керак-
сиз ҳар он
Сизга фидо бўлсин та-
намдаги жон
Илоҳим, мингларга ки-
ринг онажон.

Сизни жаҳлингиз ҳам
ширин туюлар
Сиздай инсон йилда
бир марта келар,
Сизни борлигингиз суянчим бўлар
Илоҳим, мингларга киринг онажон.

Эй она, ўзимнинг фаришта онам
Йиғлайман қачонки, сизда кўрсам ғам
Саломат бўлинг сиз, биз учун ҳар дам
Илоҳим, мингларга киринг онажон.

Асилбек Нарзуллаев,
Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани 81-сонли мактабнинг 4-Б синф ўқувчиси

ГЕРБИМИЗ

Ҳумо қушим-бахт қушим
Турибди савлат билан.
Ўнг томонда пахтаю,
Чапида бугдой билан.

Тепасида ой-юлдуз,
Порлаб турибди
қаранг.
Икки дарё оқибди,
Живоланиб зарпаранг.

Куёш меҳр нурларин
Сочиб турибди илиқ
Тизилибди тоғлари
Бағрида яшил бўлоқ.

Бу ватанимиз герби,
Ўзбекистон гулшани.
Танитар юртимизни,
Миллатимизнинг шаъни.

Гўзалой УСМОНОВА,
Шахрисабз туман 27-мактабнинг 8-синф ўқувчиси

Қодир бахши дунёга танилган ўзидан бой мерос қолдирган бахши эди. Дунёга танилган деганимизда Париж, Москва каби шаҳарларда бахшичилик бўлиши ва у ерда қўшиқ кўйлаш мисол бўлади деб ўйлаймиз. Денгиз ортига ҳам номининг кетиши ва фотидан кейин излаб келган АҚШнинг Феллоделфия шаҳридаги Пенсильвания дорулфунни профессори мистер Зах Вольтернин Хўжамахмуд қишлоғига келиши мисол бўлади. (Профессор бахши ҳурмати ўгли Қаҳҳор бахшини АҚШга таклиф қилади) Қодир бахши Раҳим ўгли Фавқуллодда катта истеъдод эгаси эди. Моҳир созанда яъни дўмбиракаш, соҳир овоз соҳиби эди. Бадиҳағўй, ҳозиржавоб, халқ тили билан айтганда чечан эди. Ҳаёти ва фаолияти давомида дoston ва терминалларида она юрт мавзуси асосий ўринни эгаллаб келди.

Туғулиб ўсган Деҳқонобод ҳақида “Қодир сени жўшиб айтarkan завққа тўлиб-тошиб айтarkan....” деб куйлаган бўлса Қашқадарё вилояти, ҳақида ораласам бўстонни ёзаверсам дostonни Гўзал Қашқадарём деб куйлаган эди.

Турмуш ўртоғи урушга кетиб қайтиб келмаган. Онаси Норҳол момога ёзган жоиз бўлса қасидаси машҳур бўлиб кетди.

**Онажон қўй садҳа бўлай бошингдан
Гуллар йиғласа ҳам сен йиғламагин
Посбон бўлай доим кўзу қошингдан
Чўллар йиғласа ҳам сен йиғламагин**

**Сен йиғласанг, она тоғлар бўшайди
Тош юраклар ҳам сувдай шовуллайди
Сен йиғламанг қора тошлар қақшайди
Тошлар йиғласа ҳам сен йиғламагин...**

Лаънати уруш Норҳол момони турмуш ўртоғи Раҳим Жабборовдан айирди. Айтишларича у киши Консойда директор бўлиб ишлаган. Келишган норғул йигит бўлган экан.

Бир ўғил яъни Қодир бахшини, яна уч қизни ўқситмай бировдан кам қилмай ўстирди. Вафо тунин кийиб ҳаёт кечирди.

(“Садоқат мадҳи” дostonчамизни шу момога бағишладик)

Қодир бахши Раҳим ўғли 1937 йил 16 апрелда Хўжамахмуд (Чалка) қишлоғида дунёга келган.

Отаси Раҳим Жабборов Кўнғуротнинг Қўштамғалиси тиловат уруғидан бўлган. Онаси Норҳол момо Турдиевнинг ота авлодлари бахшичилик санъатига қизиққан созанда-ю айтишувчилар бўлишган. Турди шоир, Ражаб бахши Нормурад ўғли каби бахшилар шулар жумласидандир. Қодир бахши устозлари ҳақида шундай деган экан.

Дўмбира чертишни Умир шоирдан тоғам Ражаб бахшидан ўрганганман.

Куйда ҳам овозда ҳам сўзда ҳам Умир шоир менинг устозим.

Бу бахшилар яъни Умир бахши Сафаров Ражаб-бахши Нормурад ўғли Қодир бахши Раҳим ўғли Деҳқонобод бахшичилик мактабининг яратилишига пойдевор қурган ҳисобланади. Бу мактабининг халқ дилидан кўтарилган Иброҳим бахши Алим ўғли, Сафармурад бахши (Умир бахшининг отаси) Зарби бахши каби вакиллари ни ўрганиш халқ оғзаки ижодида катта аҳамият касб этади.

Қодир бахши чинакамига катта мактаб яратди. 26-

тадан ошиқ дўмбира чертишларини черта олган. Гўрўғли “Алпомиш”, “Кунтуғмуш” Малика айёр «Аваз-хон» каби 70 дан ортиқ халқ дostonларини ёд олган ва авж пардаларида куйлаган. Келиной термани ёки дostonни ҳам дейишимиз мумкин бахши ижодида алоҳида ўрини “Ойчинор” дан ташқари “Ойша” “Ойбахт” дostonларини ёзган авж пардаларида куйлаган. Уларнинг бари оригиналлиги яъни бадийлиги билан ажралиб туради.

Бу ўринда ўзи яратган Ойчинор тарихий дostonи тақсинга лойиқдир.

Бир жиҳати шундаки дostonда шоҳ ва шоир З. М. Бобур билан воқеалар каттапойда яъни Муйдин кўрғониди шоир тили билан айтганда мақоллатида (арабча Чекка атроф жой ўралган жой маъноси) бўлиб ўтади. Айрим фольклоршунослар уни бадийий тўқима Бобур у ерда бўлмаган деб изоҳлашди. Бобур “Бобурнома” да

ҚОДИР БАХШИНИНГ БОЙ МЕРОСИ САРЧАШМАСИ

Ҳисорни беркитди. Деб бўлганлигини “Маҳоллат” қилганлигини айтади. Демак Қодир бахши бадийий тўқима Бобур у ерда бўлмаган деб изоҳланди.

Ҳа куйчи вафотида жуда кўп марсиялар, мақолалар хотиралар ёзади.

Қодир бахши яратган мактабдан чашмадан жуда кўп бахшилар дўмбира куйлар созандалар чикди ва бахра олди. Улар бугунги кунда юртимизнинг турли бурчакларида ижод қилишмоқда. Шуниси қувонарлики бахшилик учта ўғли отаси изидан бориб дoston ва термалар яратмоқда, ижод этмоқда. Қаҳҳор бахши Абдимурод бахшилар Ўзбекистон халқ бахшиси бўлса кенжаси Баҳром бахшида ота овозини айрим оҳанглари мужассам бўлмоқда. Тўғрисини айтиш керакки бахшининг кўп ёзиб олинган қўшиқлари термалар йўқ бўлиб кетди. Айримлари айрим жойларда сақланиб қолганлари бор. Уларни тўплаш вақти келди. Яқин йилларда бахшичилик санъатига эътибор берилмоқда. Мухтарам Президентимизнинг чиқарган бахшичилик санъатини ривожлантириш ҳақидаги қарорлари нафақат бахшиларнинг халқимиз дилидаги айни мудоаси бўлди. Бахшичилик мактаблари дарсларининг очилиши ва ташкил қилиниши бу санъат ривожига ҳисса қўиши табиий албатта. Бу эътибор жаҳон маданий ташкилот ЮНЕСКО нинг ҳам диққатини тортиди. “Бахшичилик санъати” мактаби ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос репрезентати рўйхатида киритилди.

Бу бахшичилик санъатининг жаҳонга юз тутаётганидан далолат беради. Шу кунларда Қодир бахши Раҳим ўғлининг 85 йиллик тўйига тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Жойларда учрашувлар ўтказилмоқда. Шундай бўлиши керак. Биз ҳам ўтказиладиган тадбирлар олдидан ўз фикр мулоҳазаларимизни таклифларимизни билдирмоқчимиз.

1. Бахшининг дostonлари ва термаларидан иборат танланган оҳанглари мажмуасини нашр эттирсин.
2. Бахши яшаб ўтган уйда ташкил этилган уй музейини бойитиш ёки қайтадан қуриш.
3. Туман марказида бахшилар ҳаёти акс эттирувчи ҳайкал ёки буюст,галериясини яратиш ташкил қилиш.
4. Бахши хотирасига бағишланган баҳолар конкурси курсини ўтказиш.

Қодир бахши собиқ Иттифоқ ёзувчилар уюшмасининг

ҚОДИР БАХШИНИНГ 85 ЙИЛЛИГИ

аъзоси бўлган.

Уюшма раиси бўлган Георгий Марков Расул Ҳамза-тов (хх асрнинг буюк шоири) Рўзмат Ғоипов каби шоир адиб ва раҳбарларнинг тавсияси бўлган. “Осиё Хомири” деб эътироф қилинган бахши Москвада ўтказилган бахши шоирларнинг 1 ва 2 олимпиада Лаурианти бўлган. 1979 йил Париж шаҳрида Халқ ижодиёти VIII Конгресси шу иштирокчиси бўлганлиги маълум.

1982 йил Олма ота шаҳрида “Шарқ халқларининг му-сиқа эпосларининг” мавзусида ўтказилган анжуманда голиб бўлган.

1983-1985 йилларда республика бахшиларининг кон-курсида голиблик супасини эгаллаган яна бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Бахши чинакамига халқ дилидан фольклор-шунослар дилидан жой олган эди.

Жуда кўп олимлар ижодкорлар бахшининг муҳлиси бўлган. Тўра Мирзаев Малик, Муродов Бойназар Йўлдошев, Абдумўмин Қаҳҳоров, Абдиалим Эргашев, Маматқул Жўра-ев каби олимлар бахши ижоди билан яқиндан танишиб алоҳида фаолият олиб боришган.

М.Муродов, А.Эргашевлар улар орасида алоҳида ажралиб туради. Улар бахши ижодини ёйишида фидойилик кўрсатишади. Афсуски бахши ҳаётдан эрта кетди. Бу йўқотиш халқимизнинг катта йўқотиши бўлди. Биринчи ўзбек гроттестри Гиоргий Аъзамов ҳам ўша йили фожияга учраган эди. Бахши вафотида қаттиқ қай-ғурган Малик Муродов бошчилигида бахшини қўйиш-ган қабрга боргандик. М.Муродов тиловат қилингандан кейин анча вақтдан кейин олим ўзига келиб қани ким шеър бошлайди деди.

Шунда бир ўзбек йигит шеър ўқий бошлади.

Ховли бўлмиш аридай аҳли

Орасидан ўтолмайин қил

Иймон қадар бутун бедахл

Хур макони бўлсин йигитнинг

Поёнига етганда умри

Чапак чалиб қоларли эли

Оёқ чўзиб ётарли ери

Қабристонни бўлсин йигитнинг

Ўз осмони бўлсин йигитнинг

Таскин топгандек бўлди. Бу шеър кейинчалик қўшиқ бўлиб машҳур бўлиб кетди. Бу шоир бугунги кунда та-ниқли бўлиб кетган истеъдодли шоир Холмамат Хаса-нов мактабларда бахшилар ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари тарғиботчилар иштирокида учрашув-лар ўтказишмоқда.

Хуллас бахши ижодини ўрганиш оммалаштириш барчамизнинг вазифамиздир. Шу кунларга қадар Нишон туманидаги мактаблардан бирига бахши номи берил-ган. Дўлтакамар, Чалка, Қурдахна, Жарма қишлоқлари-ни бирлаштирган маҳалла Қодир бахши Раҳим ўғли номи билан аталади. Бахши юбилеи олдида тайёр-гарлик ишлари олиб борилмоқда

Бу тайёргарликни Республика вилоят туман миқёси-да ҳар томонлама оригинал даражада нишонлашимиз давр талаби. Давр шуни тақозо қилади.

**Расул РАҲИМОВ,
Деҳқонобод тумани 31-мактаб маданий-и-жодий ишлар бўйича тарғиботчиси. Халқ маорифи аълочиси**

ЎҚУВЧИЛАРИМГА!

Ойдай олислагувчи, кундаин оташларим
Куй мисол яйратувчи бўлоқдай бебошларим
Сенинг ўн етти ёшинг камолингдан айланай
Хоҳ шўху хоҳ ювошинг, ёмонингдан айланай
Йўқолмасман, йўлингда машъал бўлиб ёнаман
Мурғаккина дилингда бир чўғ бўлиб қоламан
Қайга етса қадаминг ёнгинангда мен борман
Ҳаддан ошганда ғаминг бошгинангда бедорман
Чағир йўлда пойинга гилам бўлиб тўшалай
Биров ноҳақ койиса алам билан ўч олай,



Расмият чун келмай қўяқол,
Дўст бўлмасанг,нетасан койиб
Мулозамат қилмай қўяқол
Ҳозиримда ёлгон жилмайиб
Чин дўст бўлсанг, ёз тонги каби
Беғубор бўл дилин яшнатиб
Гулдан нозик инсонинг таъби
Нечун келдинг кўнглим ғашлатиб
Мен ҳам сенга боқаман сохта
Ҳайдаб бўлмас меҳмонни асло
Ясама лутф этганим чоғда

Эзиламан пинҳон ҳар асно,
Қувончимга дардимга зинҳор
Шерикмассан келма ҳар нечук
Билсанг агар мен учун ҳар бор
Манзиратинг ортиқча бир юк
Дўст бўлмасанг келмагил ортиқ
Ўзингни ҳам, мени ҳам эзиб
Келмаганинг энг аёло тортиқ
Майли мендан кетақол безиб
Нечун рад этмадим қилсанг илтифот
Неча юз бурмадинг ҳимматларингдан

Афсуски ортига қайтмайди ҳаёт
Энди дил ўртанур миннатларингдан
Дўст билдинг келсанг гар кўнглимга пайров
Самимий дер Эдим ҳол сўрсанг бот-бот
Миннатинг зеҳнимга юргизган ғаров
Сен менга дўст эдинг, бўлиб қолдинг ёт!

**Махмаражаб бахши ХУСАИНОВ
Деҳқонобод туман Ғариб ота
қишлоғи**

Қийнаб қўйса саволлар мушкулнинг ечимман
Йўлинг тоналсанг гар умр бўйи кечирманг!
Рози қилгин кишингни “раҳмат” да яшайман!
Қилган хато ишингни заҳматида қақшайман

Олқиш олсанг халқингдан ором бўлиб тинаман,
Қарғиш олсангчи, унда шиша мисол синаман.
Бошгинасида асрайин суратингни отингни.
Рози бўлиб онангдай кузатай ҳаётингни

Сенинг кўзимда ўсган камолингдан айланай
Хоҳ шўх, хоҳ ювошинг, ёмонингдан айланай.
Бугун сени, умид-ла катта йўлга солурман
Изларингда термилиб бахтинг тилаб қолурман.

Қарши шаҳар 1 митти тумани 29 уй 16 хо-надонда жойлашган «Меридиан Аймар» хусусий фирмасига тегишли думалоқ муҳр ва тўртбур-чак тамға йўқотилганлиги сабабли
БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.

Қарши шаҳри Халқобод 12 хонадонда жой-лашган « KARIMOVA GULSARA RAXMATOVNA» ЯТТ га тегишли думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамға йўқотилганлиги сабабли
БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.



**Маънавий-маърифий,
ижтимоий-оммабоп нашр**

Газета Ўзбекистон Республикаси
Президенти администрацияси ҳузури-даги Ахборот ва оммавий коммуника-циялар агентлиги томонидан
0811 - рақам билан
02.02.2012 йилда рўйхатга олинган.

Газета «Photo Express» ИЧКда оф-сет усулида 230 нусхада чоп этилди.
БОСМАХОНА МАНЗИЛИ: Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Бош муҳаррир:
Сарвиноз ХУСАИНОВА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

Келажақ интернет
телерадиокомпанияси

Газета Ўзбекистон Республикаси
худудида тарқатилади.

<http://vohapress.uz>

e-mail: gazeta.voha@mail.ru

Газета ҳафтанинг жума кунлари чоп этилади.
Сотувда эркин нархда.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Газетада INTERNET материалларидан фойдаланилди.

Таҳририятга келган қўлёзмаларга жавоб ёзилмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Муассис: «Қашқадарё кўзгуси ОАВ» МЧЖ
Газета муассис компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:

Қаршида: 180018, Қарши шаҳри,
Мустақиллик шоҳкўчаси, 22-уй, 1-қават.

ТЕЛЕФОН:
+99875 227-50-04

РЕКЛАМА, ОБУНА ВА СОТУВ БЎЛИМИ:
+99890 517-50-05



16+

Нашр индекси - 659. Топширилди: 19.00. Босишга топ-шириш вақти: 21.30. Буюртма № . Ҳажми 2 босма табоқ. Бичими А3. 1 2 3 4 5 6

КАСБИ ТУМАНИДА ҚАД КЎТАРГАН ЯНГИ БОЛАЛАР ШИФОХОНАСИ

Мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза

фар врач, 70 нафар ўрта тиббиёт ходими ва 70 нафар ишчилар ишлаб келишмоқда. Ҳар бир мустақил мамла-

30 йил аввал Ўзбекистон ўз армияси, ўз Қуролли Кучларини бунёд этишда дадил қадам ташлади. Ўтган йиллар



қилиш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мезонига айланди. Касби туманида қад кўтарган Касби туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли Болалар бўлими 70 ўринли шифохона бўлиб, 5 на-



катнинг куч-қудрати, оламари обрў-эътиборини белгиловчи омиллардан бири унинг ҳарбий салоҳиятидир. Бундан

14 январь Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан самимий муборакбод этади.

Гулзода ШОДМОНОВА

ВАТАН ҲИМОЯСИ МАРД ЎҒЛОНЛАР ҚЎЛИДА

Маълумки, Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ мамлакатимиз мудофеасини кучайтириш масаласи давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинди. Юртбошимизнинг 6 сентябрдаги Мудофаа ишлари вазирлигини ташкил этиш

ҳудудда жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида» қарори билан мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий тузилмалар мустақил Ўзбекистон тасарруфига ўтказилди. Давлатимиз раҳбари ташаббусига асосан қабул қилинган мазкур ҳужжат армиямизни ислоҳ қилишнинг узок муддатли дастури ишлаб чиқишига йўл очди. 1993 йилнинг 29 декабрида 14 январь юртимизда «Ватан ҳимоячилари куни» деб эълон қилинди.



тўғрисидаги Фармони билан бу борадаги ишларга тамал тоши қўйилди. Кейинчалик Мудофаа ишлари вазирлигига айлантирилди.

1992 йил 14 январь куни эса мустақил давлатимиз тарихида яна бир муҳим тадбирга қўл урилди. Республика Олий Кенгагининг «Ўзбекистон Республикаси

ҳарбий алоқа тизимларини уйғунлаштиришни, Қуролли Кучларимиз ахборот-коммуникацияларининг рақамли ягона тармоғини яратишни тақозо этмоқда.

Дилфуза КОДИРОВ,
Касби туман 23-мактаб
бошланғич синф ўқитувчиси

ДИЁРИМИЗ ФАНИНИ УЛУҒЛАЙДИГАН ФАРЗАНДЛАР

Мактаб – ўқитувчи раҳбарлигида ёш авлодга маълумот бериладиган ва тарбиявий ишлар олиб бориладиган ўқув тарбия муассасаси. Биз педагогларнинг асосий вазифамиз келажакни яратувчи билимли, Ватанимизни ишонадиган, диёримиз шаънини улугʻлайдиган фарзандларимизга билим бериш ва тарбиялашдир.



Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, мактабларнинг моддий техника базасини ривожлантириш, уларни илмий методик жиҳатдан таъминлаш соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Ўзбекистонда мактаб ишлари юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг таълим сиёсатида олиб бораётган этирофга лойиқ ишларини қўллаб-қувватлаган ҳолатда эртаимиз келажаги бўлган ёшларга сифатли таълим юксак тарбияни беришдан чарчамасдан, бу борада олиб бораётган ишларимизни замонага ҳамнафас бўлиб давом эттира-миз.

Шундай тадбирлар Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 84-умумий ўрта таълим мактабида ҳам ўтказилиб келинади.

Мактабнинг ўқитувчи ва ўқувчилари ўртасида мунтазам шашка, шахмат, волейбол, футбол, югуриш каби спорт турларидан мусабоқалар ташкиллаштирилади.

Қайд этиш жоизки, дунё миқёсида қон босимининг ошиши кўпроқ ёшларда учраётгани, одамлар юрак-томир, нафас олиш органлари, диабет, саратон касалликлари билан оғриётгани хатарли. Ушбу юкумли бўлмаган

БАЙРАМ МУБОРАК ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ



Юртимизда Ватан ҳимояси каби улугʻвор ишга ўзини бағишлаган ҳарбийларимиз катта ҳурмат ва эъзоз билан қадрланиб, ҳар йили «14 январь - Ватан ҳимоячилари куни» катта байрам ва шодиёна билан ўтказилади. Бу каби эътибор ва эътироф масъулиятли касб эгаларининг Ватан олдидаги хизматларини юқори баҳоланишини намоён этиб, уларнинг келгусидаги фаолиятига ҳам куч-қувват, шижоат ва албатта садоқат бағишлайди. Маълумки, 1993 йил 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг Қонунига биноан «14 январь - Ватан ҳимоячилари куни» деб эълон қилинди. Албатта, Ватанни ҳимоя қилиш барча учун муқаддас бурч ҳисобланади. Бу бурчни адо этишда юртимизнинг ҳимоячилари бўлган миллий армиямиз ва барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашда олиб бораётган хизматини муносиб баҳолаш ҳамда уларга зарур шарт-шароитлар яратиш масалалари ҳам давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Қашқадарё вилоят Касби туман адлия бўлими томонидан 2021 йил давомида жисмоний ва юридик шахслар-

дан келиб тушган жами 357 та мурожаатларнинг 348 таси ҳал этилиб, шундан 291 та ёки 81,5 фоизи (кўриб чиқилган мурожаатларга нисбатан 83,6 фоиз) қаноатлантирилган, 57 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилган, 8 та мурожаат ҳал этиш учун тааллуқлиги бўйича юборилган, 1 та мурожаат қолдиқда қолган. Қонун ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий тусдаги 11 та қарор лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган бўлиб, шундан 11 тасига розилик визаси қўйилган.

Норма ижодкорлиги соҳасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ўтказилган ўрганишлар натижаси бўйича 11 та тақдимнома киритилиб, 5 та қарор бекор қилинган ва 1 та қарор қонунга мувофиқлаштирилган.

Ўтказилган ўрганишлар ва таъсир чоралари бўйича бўлим томонидан ҳисобот даврида жами 18 та ўрганиш ва 78 та мониторинглар ўтказилиб, ўрганиш давомида 300 та ташкилотлар фаолияти қамраб олинган ва ушбу ўрганишлар натижасида 16803 та қонун бузилиши ҳолатлари аниқланди. Аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан 139 та тақдимнома, 49 та маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида таклиф ҳамда 398 та огоҳнома киритилди.

Ш.КУДРАТОВ,
Касби туман адлия бўлими бошлиғи

СПОРТ СОҒЛИК ГАРОВИ

Соғлом турмуш тарзининг қарор топиши, жумладан, фаол жисмоний ҳаракатда бўлиш, тўғри овқатланиш ҳамда зарарли одатлардан воз кечиш инсон саломатлигини асрашда муҳим ўрин тутди. Шу боис ҳам, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мунтазам равишда соғлом турмуш тарзига риоя этиш борасидаги оммавий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Шундай тадбирлар Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 84-умумий ўрта таълим мактабида ҳам ўтказилиб келинади.

Мактабнинг ўқитувчи ва ўқувчилари ўртасида мунтазам шашка, шахмат, волейбол, футбол, югуриш каби спорт турларидан мусабоқалар ташкиллаштирилади.

Қайд этиш жоизки, дунё миқёсида қон босимининг ошиши кўпроқ ёшларда учраётгани, одамлар юрак-томир, нафас олиш органлари, диабет, саратон касалликлари билан оғриётгани хатарли. Ушбу юкумли бўлмаган

хасталиклар келиб чиқишининг энг асосий омилларидан бири соғлом турмуш тарзига амал қилмаслиқдир.

Китоб туман 84-сонли умумий ўрта таълим мактабимизда ҳам болаларни соғлом турмуш тарзига тайёрлаш борасида бир қатор ишлар



олиб борилмоқда Қурбонов Муродулла "Умид ниҳоллари-2022" спорт мусобоқасининг туман босқичида спортнинг стол теннис тури бўйича 3-ўринни эгалади, яна ўқувчиларимиздан Маҳмудов Темур ва Алланазарова Сабинолар "Умид Ниҳоллари-2022" спорт мусобоқаси туман босқичида спортнинг шахмат тури бўйича 3-ўринни олди. Сайфуллаев Сардор Наманганда TAEKVONDO WT

бўйча ўтказилган очик халқаро чемпионатида 1-ўринни қўлга киритган 27-31 октябрь 2021-йил.

Элбобоев Жамшид TAEKVONDO WT спорти бўйча Қашқадарё вилоят чемпионати мусобоқасида 37 кг вазин тоифасида 2-

ўринни эгаллаган 15-17-октябрь 2021 йилда. Келажақ ворисни тўғри тарбиялаш уларни спортга қизиқтириш ҳар бир мураббийни олий мақсадидир.

Баҳодир МУХИДДИНОВ
Қашқадарё вилояти
Китоб туман 84-умумий
ўрта таълим мактабнинг
жисмоний тарбия фан
ўқитувчиси

